

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30. 012020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙРОВ РАСИМ ЗОЛИМХОН ЎҒЛИ

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИНДИВИДУАЛ
ЁНДАШУВНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Тасвирий санъат)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of Philosophy (PhD)
On pedagogical sciences**

Хайров Расим Золимхон ўғли

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал

ёндашувнинг илмий-методик асослари.....3

Хайров Расим Золимхон углы

Научно-методические основы индивидуального подхода

ученикам на уроках изобразительного искусства.....21

Khayrov Rasim Zolimxon

Scientific and methodical bases of individual approach

to pupils on art lessons.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30. 012020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙРОВ РАСИМЗОЛИМХОН ЎҒЛИ

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА
ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Тасвирий санъат)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1. PhD/Ped1417 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.guldu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанов Раҳим педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Булатов Саидахбор Собитович педагогика фанлари доктори, профессор Байметов Батир Балтабаевич педагогика фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Ped.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «25» XII кuni соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1384 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» XII кuni тарқатилди.
(2020 йил «15» XII даги 31 - рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д. академик.

Р.Т.Исаянов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д. доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор



КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача мўлжалланган таълим концепциясида “болаларнинг ривожланиши, таълим олишини индивидуал ва тизимли равишда олиб бориш жуда муҳим фаолият” сифатида эътироф этилиб¹, сифатли таълим бериш механизмлари таълим жараёнига тадбиқ этилган. ЮНЕСКО ташкилоти томонидан болалар ижодининг такрорланмас, индивидуал қирраларини ривожлантириш, болалар бадий ижодини замонавий шароитда ўрганишни халқаро миқёсда тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида тасвирий санъатни ўқитишда болага индивидуал ёндашувни такомиллаштириш, янги технологик механизмларни қўллаш, топшириқлар тизимини ўқувчининг лаёқатига мос тақсимлашнинг дидактик имкониятларидан оқилона фойдаланиш, тасвирий санъат дарсларида табақалаштириб ўқитиш принципларини қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга замонавий ўқитишни амалга ошириш бўйича “ABC”, “FEGA” тизими боланинг ижодкорлигини индивидуал шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик таъминотини шакллантириш, тасвирий санъатни ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, натюрморт жанри композицияси ва репродукцияларни таҳлил этиш технологияларини ривожлантириш, тасвирий санъатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг бадий тафаккурини юксалтириш, эстетик ва эмоционал сезгирлигини ўстириш, тасвирий саводхонлик сифатларини ривожлантириш, индивидуал ёндашув орқали дидактик таъминот воситасида ривожлантириш, мазкур жараёнга компетент ёндашувни татбиқ этиш, дарсларда ўқувчиларнинг ижодкорлигини ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техника базаси яратилди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” номли бандида “Болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш”² каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу эса ўқувчининг индивидуал, умумий ва касбий қобилиятларини ривожлантириш, унинг жамиятда, ишлаб чиқариш соҳасида ва ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётда фаол ва муваффақиятли иштирокчини таъминлаш учун замин яратади.

¹ Incheon Declaration / Education 2030. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p. 36// <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4688-сонли Фармойиши, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5712-сонли Фармони, 2019 йил 12 мартдаги “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус” дастурининг биринчи ташаббуси “Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади”ган бўғинига тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табақалаштирилган таълим ва индивидуал ёндашув муаммосининг умумий қирралари билан Р.Ҳасанов, Ҳ.Ибрагимов, Ў.Толипов, К.Қодиров, Г.Сафоева, В.Андрянова, М.Салаева, М.Зайнитдинова, Ш.Мустафоев, Н.Саидахмедов, Б.Орипов О.Худоёров, Р.Каримовлар шуғулланганлар.

Мамлакатимизда тасвирий санъат дарсларида табақалаштириб ўқитиш принципларини қўллаш юзасидан рассом-педагоглардан Ў.Тансиқбоев, И.Икромов, Ч.Аҳмаров, А.Абдуллаев, М.Набиев, Р.Ҳасанов, Б.Азимов, С.Абдуллаев, Б.Орипов, Ў.Нуртоев, С.Абдирасилов, С.Булатов, Ғ.Абдурахмонов, Б.Бойметов, К.Қосимов, Н.Толипов, Н.Слугина, О.Худоёрова, Х.Эгамов, А. Сулаймонов, А. Мавлоновлар шуғулланганлар.

Индивидуал ёндашувнинг назарий масалалари А.Макаренко, В.Сухомлинский, К.Ушинский, В.Гладких, Е.Рабунский, И.Бутузов, Е.Климов, Б.Теплов, Н.Лейтес, Е.Климов, В.Мерлин томонидан ишлаб чиқилган.

Таълимда ўқувчиларга индивидуал ёндашув бўйича ривожланган хорижий давлатларда катта ижобий тажриба тўпланди. Мутахассислар томонидан индивидуал таълимнинг назарий асослари билан махсус муаммо сифатида шуғулланиш XX асрнинг бошларига тўғри келади. Таълимда табақалаштирилган таълим ва индивидуал ёндашув масаласи бўйича франциялик Р.Дотренс, Л.Легранд, америкалик К.Вашбурн, Н.Лейтес, Б.Блум, Р.Ганье, англиялик А.Келли, Д.Грифин, германиялик Т.Коханский, М.Фишер, австриялик С.Вагнер, россиялик И.Бутузов, С.Рубинштейн, Г.Абрамова, эстониялик И.Унтларларни киритиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалаштириш билан боғлиқлиги.

Диссертация Гулистон давлат университетининг “Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари ва стратегиясини белгилаш” (2015-2017) ҳамда “Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари” номли П-3-2014-0829151412-сонли илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг фалсафий, педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш;

тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларда “муваффақият қозониш” ҳолатини индивидуал ёндашув орқали вужудга келтириш ҳамда тасвирий санъатдан қобилиятлари ва қизиқишларини ривожлантиришдаги аҳамиятини аниқлаш;

ўқувчилар тасвирий санъатдан ўзлаштиришлари лозим бўлган таълим мазмуни ҳамда шакли, восита ва методларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувни илмий-методик жиҳатларини яратиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг методик асослари, такомиллаштириш шакли, методи ва вазифалари.

Тадқиқотнинг усуллари илмий-назарий, педагогик-психологик, методик адабиётларни ўрганиш; ўқувчиларга индивидуал ёндашиш ишларини такомиллаштиришдаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш; тадқиқот мавзусига оид автореферат ва диссертация ишларини таҳлил қилиш; кузатиш, қиёслаш, умумлаштириш, суҳбат, анкета, болалар расмлари таҳлили, ўзлаштиришни назорат қилишнинг рейтинг тизими; педагогик тажриба-синов; олинган натижаларни математик статистика методлари воситасида қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг педагогик имкониятлари ўқув материални тўлиқ бажариш орқали ўқувчиларда “Муваффақият қозониш” ҳолатини вужудга келтириш асосида кенгайтирилган;

тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг тасвирлаш қобилиятлари шахсга йўналтирилган ёндашув, ҳиссиёт ва иродавий хислатларини психодиагностик лойиҳалаш асосида ривожлантирилган;

тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашув механизмлари “Самимий мулоқот”, “Рассом ҳуснихати”, рефлексивлик ёндашувлар ғоявийлик, миллийлик, мазмун уйғунлиги креативлик устувор тамойиллари ўзаро синтезлашув асосида такомиллаштирилган;

ўқув материалларини мустақил ўрганиш шакллари мустақил фикрлаш ва ишлаш кўникмаларини индивидуал ёндашувлар орқали шакллантириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тасвирий санъат дарсларини ташкил қилишда индивидуал ёндашув технологиясининг функционал тузилмаси “Муваффақият қозониш” ҳолати асосида бадиий таълим жараёнини лойиҳалаш ва мақсадини белгилаш босқичларининг ташқи ва ички омиллар таъсирида амалга оширилиш мазмуни кўрсатиб берилган;

ўқувчиларга индивидуал ёндашув технологияси бўйича ўқув дастурларини амалиётга тадбиқ этишнинг энг самарали ечими сифатида, ҳар бир ўқувчининг ҳам ўзига хос чизиш услуги “Рассом хуснихати” механизмларидан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланган ва ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларининг ошишига хизмат қилган;

ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлигини ривожлантиришда қобилият, лаёқат ва қизиқишларига мос келадиган топшириқлар тизими ҳамда индивидуал ёндашув технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашувлар ва методлар, қўлланган расмий манбалардан олинган назарий ва амалий маълумотлар, аналитик ва экспериментал ишланмалар самарадорлиги математик статистика усуллари ёрдамида асосланганлиги, амалиётга тадбиқ этилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг илмий-методик асослари такомиллаштирилган. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари контекстида ўқувчиларга индивидуал ёндашув технологиясини амалга оширишга оид методик тавсияномалар тайёрланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти индивидуал ёндашувнинг ўзига хос тузилиши, ўқитувчининг индивидуал ёндашув хусусидаги тасаввурлари, педагогик малакалари, тасвирий санъат дарсларида индивидуал ёндашувдан фойдаланиш имконияти, индивидуал ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари дидактик жиҳатдан асосланган. “ўқув топшириқлари” ва “индивидуал ёндашув” ўртасидаги алоқадорлик ҳамда уларнинг таълимга тадбиқ этилиши, ўқувчиларга индивидуал ёндашишга оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялардан тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг илмий-методик асослари бўйича олинган илмий-натижалари асосида:

индивидуал ёндашув асосида тасвирий санъат дарсларида бериладиган вазифа ва топшириқларнинг ўқувчиларни қобилияти, лаёқати ва қизиқишлари бўйича тақсимланишига оид таклифлар ХТ-Ф2-003 рақамли «Умумий ўрта

таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари ва стратегиясини белгилаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 майдаги 89-03-1835-сон маълумотномаси). Натижада, тасвирий санъат дарсларида “Муваффақият қозониш” ҳолати бўйича ўқувчиларда расмларидан ютуқ қувончини ҳис қилиш, ўз қобилиятларини англаш, ўзига ишонишга эришилган;

тасвирий санъат фанини ўқитишда ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг педагогик механизмлари, яъни ҳар бир топшириқни қисқа вақт ичида осон йўллар билан бажара олишнинг узвийликка асосланган компонентларига оид таклифлари П-3-2014-0829151412-рақамли «Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 майдаги 89-03-1835-сон маълумотномаси). Натижада тасвирий санъатни ўқитишда ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг педагогик механизмлари модернизация қилинган;

индивидуал ёндашув орқали ўқувчиларда мустақил фикрлашга йўналтириш, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, одатлантириш ҳамда ижодий изланиш йўли билан ўқув материални мустақил ўрганишга оид таклифларидан “Тасвирий санъат. 1-синф” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 майдаги 89-03-1835-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларга индивидуал ёндашув асосида ўқитиш самарадорлиги ва сифати ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 35 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 185 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти,

амалиётга татбиқи, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашув муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобида ўқувчиларга индивидуал ёндашув, муаммосининг назария, амалиётдаги ҳолати ва индивидуал ёндашувнинг психологик-педагогик асослари кўрсатиб берилган.

Ўзбек халқи ўзининг тасвирий, амалий, меъморчилик санъати билан фахрланса арзийди. Чунки, Ўзбекистон ҳудудида эраמידан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланди. Амир Темур ва Темурийлар даврида тасвирий санъат турларидан меъморчилик, миниатюра ва китоб графикаси шунчалик ривожландики, у нафақат Шарқ, ҳаттоки Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бу даврларда яратилган асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас.

Санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устознинг шогирдга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Буни биз Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳхиб каби мусаввирларимизнинг бебаҳо “Устоз-шогирд” мероси намуналарида кўришимиз мумкин. Индивидуал ёндашув асослари ибтидоий даврдан то бугунги кунгача (Қадимги Миср, Греция, Ўрта Осиё ва Европа Ренессанс даври) рассом ва шогирд анъаналарида ёритилган. Ўша даврнинг рассомлари (Микеланжелло, Леонардо да Винчи, Ченини) ўзларининг илмий қўлёзмаларида таълимда бу масалалар принципларини қўллаш, унинг самараси ҳақида қисман тўхталиб ўтганлар.

Ҳозирги кунда санъатшунослик факультетларида таълим жараёни устоз ва шогирд анъаналарини давом этган ҳолда олиб борилмоқда. Бунда АҚШ, Франция, Германия, Англия, Россия, Эстония давлатлари ва Республикаимизнинг мустақиллик йилларида тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашуви, тасвирий санъат фани бўйича ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишнинг таълим тизимимизга мос келадиган дастлабки илмий-назарий асослари ҳақида айтиб ўтишимиз мумкин.

Маълумки, синфдаги ўқувчиларнинг қобилиятлари, тасвирий санъатга қизиқиши, психологик ва эстетик ҳусусиятлари турлича бўлганлиги сабабли, берилаётган билимлар миқдори ва ҳажми ҳамда шу асосда ташкил этилаётган методика ўқувчиларга бир хил таъсир кўрсатмайди. Тасвирий санъат ўқитувчиси томонидан берилаётган ўқув материаллари кўпинча ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга қаратилган бўлади. Натижада, юқори ва паст ўзлаштирувчи ўқувчилар тасвирий санъат дарсларига бефарқ бўладилар. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, болаларга тасвирий санъат дарсларида индивидуал ёндашув орқали педагогик таъсир кўрсатилса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Индивидуал ёндашув – тасвирий санъат дарсларини ташкил этишда, таълим олувчиларнинг ривожланиш кўрсаткичи уларнинг қобилиятлари, қизиқишларига қараб ўқув йўллари, усуллари, шакллари танлаб олинishi англатади. Табақалаштирилган таълимнинг бундай турида синфдаги ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқувчилар билан индивидуал ишлар олиб борилади. Бу бобда болаларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари: қобилият, диққат, сезги, идрок, хотира, тафаккур, тасаввур, нутқ, ирода, эмоционаллик, қизиқишлар, характери, хулқ-атвори, темперамент типлари баён этилган.

Диссертациянинг **“Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашишнинг самарадорлигини ошириш омиллари”** деб номланган иккинчи бобда тасвирий санъатдан ўқувчиларга индивидуал ёндашувни амалга ошириш юзасидан ўтказиладиган психологик-педагогик ташхиснинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, психодиагностик методлари, боланинг психик хусусиятларини ўлчаш ва аниқлаш усуллари акс эттирилган. Тажрибада ўқувчиларнинг тасвирлаш қобилиятларини психодиагностик методлардан бири сифатида “мавзу асосида расм ишлаш” тури танлаб олинган, “Расм чизиш - борлиқни ўрганиш ва билишдир”, деган буюк устоз, тасвирий санъатни ўқитиш методикасининг асосчиларидан бири педагог-рассом П.П.Чистяков.

1-жадвал

Ўқувчининг ФИШ	расмнинг қоғоз юзасида жойлашуви (компоновка)	ишнинг мустақил бажарилиш даражаси	расм мазмунининг мавзусига мослиги	бажарилган ишдаги бадиий- эстетик дид	расм композицияси, ечими, ишга ижодий ёндашув	нарса, ҳодисаларнинг ўлчов ва ўлчов нисбатлари	ишда перспектива қонунларига риоя қилинганлиги	расмда ранглар ечими	қалам ва мўйқалам билан ишлаш талақалари	ишнинг тоза ва тарғибли бажарилиши
-------------------	--	---------------------------------------	---------------------------------------	--	--	---	---	----------------------	---	---------------------------------------

Ташхислашда баҳолаш беш баллик тизимда олиб борилди. Ҳар бир бола учун баҳолашда барча мезон кўрсаткичлари бўйича баллар жамланади (1-жадвал). Боланинг олиши мумкин бўлган энг юқори балл сони 50 балл. Ижодкорликнинг ривожланганлигини аниқлаш учун айланаларни чизиб яқунлаш ташхисида Комарова методидан ҳам фойдаланиш мумкин

Жамланган баллар асосида болаларнинг бадиий тафаккури ва қобилиятлари, ривожланиш даражалари кўрсатилади. Шундай қилиб, агар синфда 25 та болага ташхис қўйилган бўлса, унда ҳар бир гуруҳда 7-8 та болалар бўлиши мумкин, шу билан бирга гуруҳлаганда кескин фарқлар ҳам бўлиши мумкин. Тасвирий фаолият маҳсулотлари таҳлили юқоридаги ўнта кўрсаткич асосида тузилади. Қайд қилинган мезонлар асосида ўқитувчи

Ўқувчиларни ташхислаш орқали уларнинг ўқув имкониятларини аниқлайди ва уни уч тоифага бўлиш мумкин: юқори, ўрта ва қуйи даража. Шу билан бирга ўқувчиларга индивидуал ёндашиш учун ўқиш жараёнида олган билим ва малакалари ҳажми; ўқув материалларини таҳлил қилиш, умумлаштириш малакаларининг мавжудлиги; мустақиллик, ўқув кўникмалари; ўқувчиларнинг ўқишга, ўрганишга тайёргарлик даражаси; уларнинг ишчанлик даражаси; ўқишга бўлган ҳаваси, қизиқиши ва қатъиятлик даражаси каби сифатларга эътибор қаратилади.

Ана шу мезонлар асосида ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари аниқланади, у болаларни гуруҳларга ажратишга асос бўлади. Ўқувчиларни ўқитишда кўрсатилган натижаларга эришилади, уларнинг динамик ривож таъминланади. Ажратилган гуруҳларда синфлар кесимидаги ўқувчилар ёш хусусиятларининг тасвирий фаолиятдаги фарқлари белгилаб олинади. Бунда кичик мактаб ёши даври (7-10 ёш), 1-4-синфлар ва ўрта мактаб ёши даври (12-14 ёш) 5-7-синф ўқувчиларининг тасвирий фаолиятдаги хусусиятлари инобатга олинади. Кичик мактаб ёши давридаги ўқувчиларнинг тасвирий фаолияти қатъий равишда мақсадга мувофиқлаштирилгандир. Ўқувчилар тасвирлаш малакасини эгаллашларида тасвирий санъатнинг элементар асосларидан анча катта ҳажмда билимни орттиришлари керак. Бу ёшдаги болалар аввал схематик тасвирлар, алоҳида объектлар, сўнг асосан хотирада “хаёлан” композициялар ишлайдилар. Болалар объектларнинг асосий ранги ва шаклини етказишга, ўлчамлари бўйича таққослашга, чизган расмлари “чиройли” бўлишига ҳаракат қилишади. Масалан, уйнинг томини ҳар хил, қизчани ёрқин рангли кўйлақда бўйядилар. Бу ёшда уларга геометрик жисмларни чизишни ўргатиш жуда эрта. Ушбу вазифаларни 4-синфдан кейин қўйиш мумкин.

Ўрта мактаб ёши даври (ўспирин) - 5-7-синф ўқувчилари “бажарган ишлари ва ўзларининг қобилиятларига” танқидий муносабатда бўлишни бошлайдилар. Бу жараён уларнинг ўсиб-улғайишини англатади; талабчанликнинг кучайиши, мукамалликка ва ўзини намоёйиш этишга интилиш каби фазилятлар намоён бўлади. Агарда бошланғич синфларда болалар топшириқларни бажонидил бажариб, хоҳиш ва ғайрат билан чизишсалар, бирон бир кичик натижалар билан мамнун бўлишсалар, ўрта синфларда эса бошқача манзара кузатилади. 5-7 синф ўқувчилари топшириқни бажариб бўлиб, агар у “яхши” чиқмаса, натижадан шунчалик норози бўлиши мумкинки, кейинчалик умуман расм чизишни тўхтатиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатларни ўқитувчилар кўп кузатган. Бундай ҳолларда нима қилиш керак?

Ўқитувчининг вазифаси, биринчи навбатда, ўқувчиларни тасвирий фаолиятга барча ўқувчиларни жалб қила олиш. Бу вазиятнинг ҳар бирида, масалани ўқувчининг қобилияти, лаёқати ва қизиқишига индивидуал ёндашиш билан ҳал қилиш керак. Вазифаларни ўқувчиларнинг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш мумкин. Буни биз 5-синфда “Ранг туслари жиҳатидан қарама-қарши (контраст) буюмлардан

ташқил топган натюрмортни график усулида ишлаш” мавзуси мисолида кўришимиз мумкин (1-расм).

Мавзу:	Ранг туслари жиҳатидан қарама-қарши (контраст) буюмлардан ташқил топган натюрмортни график усулида ишлаш
Мақсад ва вазифалар	<p><i>Мақсад:</i> Натюрморт чизиш тартибини тушунтириш. Натуранинг характерли жиҳатларини кўриш, таҳлил қилиш ва амалий ишда ифодалаш компетенциясини шакллантириш.</p> <p><i>Вазифалар:</i> Натюрморт чизиш бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш ва амалий ишни (тасвир, расм) босқичли кетма-кетликда тўғри бажаришни ўргатиш.</p>
Ўқув жараёнининг мазмуни	<p>Ўқувчиларга натюрморт жанри ҳақида тушунча бериш. Кўргазмали ўқув плакатлар, проектордан ва доскадан фойдаланиш, натюрморт чизилган намуналар орқали тушунтириш. “Самимий мулоқот”.</p> <p>Топшириқларни мураккаблигига қараб ўқувчиларга тақсимлаш.</p> <p>1,2,3-гурух. Педагогик расм. “Мастер-класс”. “Муваффақият қозониш” ҳолатини яратиш.</p> <div data-bbox="874 815 1423 999" style="text-align: center;"> <p>1-гурух 2-гурух 3-гурух</p> </div>
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p><i>Услуб:</i> Сўзлаб бериш, интерфаол усуллар: “Ақлий ҳужум,” “Гуруҳларга бўлиш”, “Палитра”, “Кластер” технологияси.</p> <p><i>Шакл:</i> Сухбат, мунозара. Мустақил ишлаш, амалий иш бажариш.</p> <p><i>Восита:</i> Тасвирий санъатдан ўқув қуроллари, тарқатма материаллар, репродукциялар, синф доскаси, АКТ.</p> <p><i>Усул:</i> Индивидуал ёндашув, “Рассом ҳуснихати”.</p> <p><i>Назорат:</i> Савол-жавоблар, чизилган расмлар (график иш).</p> <p><i>Баҳолаш:</i> Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.</p>
Кутиладиган натижалар	<p><i>Ўқитувчи:</i> Берилган вақт ичида мавзу ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш. Ўқувчилар фаоллиги ошади. Паст ўзлаштирувчи ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғонади. Юқори ўзлаштирувчи ўқувчилар мураккаб топшириқни яқунлай олишади.</p> <p><i>Ўқувчи:</i> Қалам ва бўёқда ишлаш бўйича билимларни эгаллайди. Савол-жавобларга қатнашиб, мустақил фикрлашни ўрганади, яқка ҳолда мустақил ишлайди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади ва баҳо олади. Маъсулият ва ютуқ қувончини ҳис қилади, ўз қобилиятини англайди, ўзига ишонч ҳосил қилади.</p>

1-расм. Дарснинг технологик харитаси.

Тасвирий санъат дарслари – бу нозик дидли дарслардир. Унга кўпинча ноёб қобилиятларга эга бўлган болалар келишади, уларнинг кўпчилиги расм


чизишни билсалар ҳам, ё кўрқишади ёки чизишни хоҳлашмайдиган болалардир. Ўзида ишончсизликни ҳис этган болалар учун тасвирий санъатга бўлган қизиқишни ривожлантириш мақсадида “Муваффақият қозониш” ҳолатини яратиш, уни санъат дунёсига олиб борадиган йўлда эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш керак бўлади. Дарсларда “Муваффақият қозониш” ҳолатини яратиш - бу маънавий стресс натижасида қониқишнинг субъектив психологик ҳолати. Агар боланинг ўзи бу натижани муваффақият деб билса, муваффақиятли вазиятга эришиш мумкин. Бу жараён бола ўзининг тортинчоқлигини, қобилиятсизлиги, лаёқатсизлиги, психологик мағлубияти ва шунга ўхшаш нарсаларни енгиб чиққандан кейин содир бўладиган ҳолатдир. Ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ҳар бир ўқувчига ютуқ қувончини ҳис қилиш, ўз қобилиятларини англаш, ўзига ишониш имкониятини беришдир.

Кичик мактаб ёшидаги болалар расм чизишда катта хоҳиш ва қизиқиш билан шуғулланадилар, аммо ўрта мактаб ёшидан бошлаб тасвирлаш қобилиятлари бўйича комплекслари бор бўлган болалар борган сари кўпроқ намоён бўладилар. Бу кўпинча илгари синфдошлари ёки ўқитувчи томонидан нотўғри фикр ёки лўқма ташланиши натижасида ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Шунинг учун, тасвирий санъат дарсларимизда, биринчи навбатда, ҳар бир рассомнинг ўз ҳуснихати, ўз ёзув услуби бўлганидек – ҳар бир ўқувчининг ҳам ўзига хос чизиш услуби бўлади (Рассом ҳуснихати). Ушбу нуқтаи назарни болаларга тушунтирганимиздан кейин улар тенгдошларининг чизмалари ва расмларига бошқача муносабатда бўлишни бошлайдилар: бошқаларнинг ишларига ҳурмат билан гапиришга ҳаракат қиладилар, оқилона танқид қилишни ўрганадилар.

Чизилган расмларни таҳлил қилиши, саводли бўлиши учун биз ўқувчилар билан биргаликда ҳар қандай расм чизишда болалар тугатган расмини тўлиқ ёки “Сиз ҳали ҳам унинг устида ишлашингиз керак”, деган қоидадан фойдаланамиз. Масалан, биринчи қоида расмнинг тузилишига тааллуқли бўлиб, у қуйидагича янграйди: “Бутун варақни тўлдириб чиз!”

Шуниси эътиборга лойиқки, тасвирий санъат дарсларида ўқитувчининг ўзи чизиб, болаларга расмнинг кетма-кетлигини тушунтирганда, болалар билан биргаликда шакллар, ранглар ва бошқаларни ажратиб кўрсатса, бу дарсларда янада тугалланган расмлар пайдо бўлади. Шу сабабли, болаларда «Муваффақият қозониш» ҳолатини яратиш учун объектни тасвирлаш жараёнини, иложи бўлса, турли хил техникаларда ва турли хил йўналишларда тасвирлашга ҳаракат қилиш керак. Ўқувчига “Ишга киришиш”ни, “Тоза қоғоз”дан кўрқмасликни, чизишни ўрганиши ва яхши натижаларга эришишига ишонч ҳосил қилиши учун “Мастер-класс”, “Педагогик расм” услубларини қўллаш жоиздир. Педагогик расм ўқувчининг чизаётган иши четига ўқитувчи томонидан тез, ишонарли тарзда ҳамда тушунтириш сўзи билан тўлдирилган ҳолда бажарилиши мавзуни аниқ, тўлиқ тушуниб олишга имкон яратади.

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашув, унинг мазмуни, моҳияти ва дидактик имкониятларидан келиб чиқиш зарур.



3-расм. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувни тадбиқ этиш жараёни

Ҳар бир боланинг ўзига хос индивидуаллигини таъкидлаб, ҳеч қачон болани бирон бир нарсага қодир эмаслиги ёки уни тушуниш қобилияти йўқлиги учун ҳақоратомуз сўзлар билан уришмаслик, қийинчиликларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш ва муаммонинг ечимини топишга ёрдам бериш зарур. Ўқувчини бошқа ўқувчилар билан солиштирмаслик, унинг ютуқларини кўра билиш. Ўқувчининг хато қилишдан қўрқмаслиги, бирор нарсани ўрганиш учун хато қилишдан қўрқиб, ваҳимага тушмаслиги учун хатолик қўрқувини ривожлантирмасликка ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда “Самимий мулоқот” бўлиши жуда муҳимдир. “Самимий мулоқотда” ўқувчи унга жуда қизиққан, унинг ташвишларига жонли жавоб топадиган одамни кўрадиган муносабатлар ўрнатилишини тушуниш керак. Тасвирий санъат дарс турларига қараб турли хил педагогик технологиялар “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Палитра”, “Мунозара”, “Кластер” технологиялари қўлланилди. “Палитра” – тасвирий санъат дарсларида дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлар тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Бу методлар орқали ўқув мақсади ва вазифаларини аниқлаш, белгилаш ўқитувчи фаолияти орқали эмас, балки ўқувчи фаолияти орқали амалга оширилади. Масалан: натюрморт, манзара, портрет, анималистик жанрлар мазмунига кўра юқоридаги методлар яхши самара беради.

Диссертациянинг **“Тасвирий санъат дарсларида 5-7-синф ўқувчиларига индивидуал ёндашиш юзасидан тажриба-синов ишларининг ташкилий-методик асослари”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ўтказишнинг ташкилий асослари ва методикаси, тажриба-синов иши натижалари таҳлили баён қилинган.

Мавзу бўйича педагогик тажриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилди. Изланувчан тажриба босқичида тасвирий санъат дарсларида

Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш ишлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи шахсини шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш шакллари ва мазмуни такомиллаштирилди; таъкидловчи тажриба босқичида ишлаб чиқилган таълим мазмуни ва методлари бевосита ўқувчиларга индивидуал ёндашув технологияси асосида синаб кўрилди; шакллантирувчи тажриба босқичида тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш технологиясининг ишланганлик даражаси таҳлил қилинди. 5-7-синф ўқувчилари “Мен севган ҳайвон”, “Шарқ мумтоз адабиёти сюжетлари асосида миниатюра усулида мустақил композиция ишлаш”, “Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари” ва бошқа мавзуларда расмлар ишлаган.

Тажриба-синов ишимизнинг турли босқичларида қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилган:

тасвирий фаолиятда индивидуал ёндашувни амалга ошириш учун психодиагностик усуллар орқали ўқувчилар тасвирий қобилиятларидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратилди;

педагогик кузатишлар, 5-7-синф ўқувчиларининг тасвирий ва ижодий фаолияти маҳсулотларини таҳлил қилиш (мавзулар асосида расм ишлаш, натурага қараб расм ишлаш, декоратив расм);

Қуйида тасвирий санъат дарсларида “Ранг туслари жиҳатидан қарама-қарши (контраст) буюмлардан ташкил топган натюрмортни график усулида ишлаш” мавзуси асосида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш бўйича методлардан бири таклиф қилинади. Маҳсулотлар асосан янги материални баён этиш билан бошланади. Ўқувчиларга натюрморт жанри, бу жанрда ишлаган рассомлар, натюрморт композицияси, уларнинг турмушдаги амалий аҳамияти, шакл ва ранглар бетакрорлиги ҳақида тушунтирилиб берилади. Натюрморт репродукциялари таҳлил этилади.

Тажриба ишлари натижаларига кўра, рангтасвир композицияси ва натурага қараб расм чизишда экспериментал (тажриба) синфларининг барча ўқувчилари билим жараёнлари ва ишлаш даражасига кўра шартли равишда уч гуруҳга ажратиб олинди:

бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳи: бу гуруҳдаги ўқувчиларнинг тасвирий фаолияти суст, бўш ўзлаштирувчи, бажарган ишларида кўпол хатоликлар мавжуд бўлади, улар қўйилган мақсадга тўлалигича эриша олмайдилар. Бу гуруҳга ижодкорлик фаолияти ва бадиий диди шаклланмаган болаларни киритдик.

ўрта ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳи: бажарган ишларида кўпол хатоликлар бўлмайди, аммо ифодалилиқ, жонлилиқ сезилмайди. Қўйилган мақсадга ҳар доим тўлалигича эриша олмайдилар. Бу гуруҳга ижодкорлик фаолияти ва бадиий диди суст болаларни киритдик. Аммо улар ўқув материалларини умумий тушунтиришдан кейин мустақил ишлаш орқали ўзлаштирадиган ўқувчилардир.

юқори ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳи: ушбу гуруҳни бадиий қобилият ҳамда тасвирий фаолият кўникма ва малакаларига эга болалар ташкил этади. Бу гуруҳдаги болаларнинг ишлари композицион ва оригиналлиги билан

қизиқарлидир. Ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаришда мақсадга тўлиқ эришадилар. Улар тасвирий фаолияти яхши ривожланган, кузатувчанлиги, ижодий тасаввури тараққий қилган, расм материалларини тез ўзлаштира оладиган ўқувчилар. Бадиий тасаввури кучли, бой фантазияга эга бу болалар эркин мавзуларда ижод этишни ва расм ишлашни яхши кўрадилар.

Ўқитувчи натюрмортни учта жойга ўрнатади. Тасвирий санъатга бўлган қобилияти ва лаёқатидан келиб чиқиб, содда, ўртача ва мураккаб тарздаги вариантлар қўлланилади.

Биринчи гуруҳ (бўш ўзлаштирувчи) ўқувчилар учун: “Пахта” сервизи, бир рангдан ташкил топган мато (драпировка) ва бир дона пиёлани тасвирланг.

Иккинчи гуруҳ (ўртача ўзлаштирувчи) ўқувчилар учун: бир рангдан ташкил топган мато (драпировканинг ранги биринчи гуруҳдан ранг бўйича фарқланиши мумкин), чойнак ва пиёлани бирга тасвирланг.

Учинчи гуруҳга (юқори ўзлаштирувчи) ўқувчилар учун: “Пахта” сервизини тасвирланг, турли хил ранглардан ташкил топган мато (драпировкани ранги биринчи ва иккинчи гуруҳдан ранг бўйича фарқланиши мумкин), чойнак, пиёла ва лаган тасвирланади.


Натюрмортнинг расмини ишлаш йўли учала гуруҳ учун ҳам доскада босқичма-босқич чизиб кўрсатилади. Дарснинг амалий қисмида ўқувчилар учун аввало натюрмортнинг қоғоз юзасига компоновкасини кўрсатиб бериш керак. Бўш ўзлаштирувчилар учун қоғознинг ёки альбомнинг бурчагига натюрмортни кичрайтирилган тарзда қаламда тасвирлаб бериш мумкин. Дарс якунида синфда бажариладиган ишлардан кичик кўргазма ташкил этилади ва улар таҳлил қилинади.

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида ўқувчиларни тасвирий санъат дарсларида индивидуал ёндашиш технологиясининг самарадорлик даражаси таҳлил қилинди. Педагогик тажриба жараёнида олиб борилган математик-статистик ҳисоблаш натижаларидан хулосалар чиқарилди. Қуйида тажриба-синов гуруҳларининг (жами: 184 нафар ўқувчи) ҳамда назорат гуруҳлари (жами: 170 нафар ўқувчи) учун вариация кўрсаткичларини келтирамыз.

2-жадвал

Гуруҳлар	Тажрибага жалб қилинган ўқувчилар сони	Ўзлаштириш баҳолари			
		«5»	«4»	«3»	«2»
Тажриба синов гуруҳи	184	58 (31,6%)	84 (45,6%)	42 (22,8%)	0 (0%)
Нazorат гуруҳи	170	24 (14,1%)	60 (35,3%)	72 (42,3%)	14 (8,3%)

2-жадвал хулосаларига кўра, тажриба-синов гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳлари ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори эканлигини иккала гуруҳларга мос келувчи диаграммаларда тасвирлаймиз:



3-расм. Тажриба-синов ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичларининг диаграммалари

Юқоридаги математик-статистик таҳлил натижаларимиз шуни кўрсатадики, тадқиқотнинг амалий натижалари бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги билан бизнинг кўзлаган мақсадимиз тасдиқланганини кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Таълим жараёнига янгича ёндашиш, уни дидактик жиҳатдан таъминлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш таълим мазмунига индивидуал ёндашишни қўллаш таълим тизимининг долзарб муаммоларидан биридир. Шу маънода тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашувни амалга оширишда ўқитувчи замон талабларидан келиб чиқиб, унинг мазмун ва моҳиятини ўрганган ҳолда, ўз педагогик фаолиятида қўллаши зарурлиги, унинг анъанавий таълимдан афзаллиги ёритилди.

2. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашув дидактиканинг етакчи масалаларидан бири бўлиб, ўз ривожланиш динамикасига эга. Шунга кўра, мазкур муаммо таҳлил қилиниб, индивидуал ёндашув орқали ўқувчиларнинг ижодкорлиги ва тасвирий саводхонлиги даражасини ривожлантириш имкониятига эга эканлиги назарий-амалий жиҳатдан асосланди.

3. Индивидуалликнинг намоён бўлиши психология ва физиологияда илмий манбаларни ўрганишимиз натижасида, тасвирий санъатдан ўқитиш усуллари асосларини психологик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тасдиқланди. Тасвирий санъат ўқитувчилари учун дарсларда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар бугунги кунда анча мураккаблашган. Шунга кўра, ўқитувчи ўқувчининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда нафақат педагогик қобилиятга, балки психологик билимларга ҳам эга бўлиши кераклиги аниқланди.

4. Ўқитувчи дарсда бир вақтнинг ўзида бўш, ўрта ва юқори ўзлаштирувчи ўқувчиларга тенг ёндашиши керак бўлади. Аммо бу дегани синфда 25 ўқувчи бўлганида, 25 та индивидуал ёндашувдан фойдаланилади дегани эмас. Мактабда бундай ҳаддан зиёд индивидуаллаштиришни амалга ошириш имконияти йўқлиги аниқланди.

5. Тасвирий санъат ўқитувчиси (кичик мактаб ёши даври) 1-4-синфлар, (ўрта мактаб ёши даври) 5-7-синфлардаги ҳар бир ўқувчининг индивидуал тасвирлаш лаёқати, қобилияти ва қизиқишларидандан келиб чиқиб тақсимлаб, вазифаларни табақалаштириб, ўқувчиларни ўзининг кучи ва қобилиятига ишонмаса, ўқитувчи уни қўллаб-қувватлаши ҳамда “Муваффақият қозониш” ҳолатини яратши зарурлиги белгилаб берилди. “Муваффақият қозониш” ҳолатини яратиш, уни таълим амалиётида қўллашнинг ўқувчининг тасвирий санъатдан ижодкорлиги даражасини ривожлантиришдаги педагогик имкониятлари аниқланди.

6. Тасвирий санъат фанини ўқитишда ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг педагогик механизмлари, яъни ҳар бир топшириқни қисқа вақт ичида осон йўллар билан бажара олишнинг узвийликка асосланган компонентлари ҳамда индивидуал ёндашув орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мустақил ишлашга ўргатиш, одатлантириш ва ижодий изланиш йўли билан ўқув материални мустақил ўрганиш шакллари такомиллаштирилди.

7. Ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этганда ўз синфини яхлит бирлаштира олиб, болаларни бири-биридан ажратмаган ҳолда, ҳар бир болада индивидуал тасвирлаш қобилиятини шакллантириш имкониятлари тақдим этилди. Шу билан бирга “Рассом хуснихати”, “Самимий мулоқот”, “Устоз-шогирд” ва рефлексивлик тамойиллари ўзаро синтезлашув асосида индивидуал ёндашув механизмлари такомиллаштирилди.

8. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга индивидуал ёндашув орқали таълим субъектлари орасида ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва демократияга асосланган дўстона муносабатларни шакллантириш самарадорлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЙРОВ РАСИМ ЗОЛИМХОН УГЛИ

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНДИВИДУАЛЬНОГО
ПОДХОДА К УЧЕНИКАМ НА УРОКАХ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО
ИСКУССТВА**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (изобразительное
искусство)**

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1. PhD/Ped1417

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tdpu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Хасанов Рахим**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Булатов Саидахбор Собитович**
доктор педагогических наук, профессор;

Байметов Батир Балтабаевич
кандидат педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «25» XII 2020 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №1389). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «18» XII 2020 года.
(протокол рассылки № 31 от «18» XI 2020 года).

Р.Х.Джурев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., академик

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Б.А.Муслимов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Концепция образования до 2030 года, принятая международными организациями и развитыми странами, признает «развитие и обучение детей с раннего возраста как на индивидуальном, так и на системном уровне» и внедряет качественные механизмы образования в образовательный процесс¹. Организация ЮНЕСКО ведет планомерную работу по развитию уникальных, индивидуальных аспектов детского творчества. Эта организация способствует изучению детского творчества в современных условиях на международном уровне.

В мире ведутся исследования по совершенствованию индивидуального подхода к ребенку в обучении изобразительному искусству, использованию новых технологических подходов, рациональному использованию дидактических возможностей для распределения системы заданий в соответствии со способностями ученика, применение принципов дифференцированного обучения на уроках изобразительного искусства. В то же время особое внимание уделяется внедрению современных образовательных систем «АВС», «FEGA» исследований по формированию дидактического обеспечения индивидуального становления и развития детского творчества, совершенствованию технологий обучения изобразительному искусству, развитию жанровой композиции натюрморта и технологий анализа репродукции, определению стратегических направлений изобразительного искусства.

В общеобразовательных школах страны созданы нормативные базы и материально-техническая база для развития художественного мышления, эстетической и повышения эмоциональной чувствительности учащихся, развития изобразительной грамотности, применения компетентного подхода дидактического сопровождения за счет индивидуального подхода, применения грамотного подхода к этому процессу. Были установлены такие приоритеты в разделе «Развитие сферы образования и науки» в «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» как «строительство новых, реконструкция существующих объектов детского спорта и детских школ музыки и искусства в целях вовлечения детей к массовым занятиям спортом, приобщения их к миру музыки и искусства»². Это создает основу для развития индивидуальных, общих и профессиональных способностей ученика, обеспечения его активного и успешного участия в жизни общества, в сфере производства и в общественной, политической, культурной, образовательной жизни.

Диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 21 апреля

¹ Incheon Declaration / Education 2030. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –р. 36// <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси» тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2020 года № ПП-4688 «О мерах по дальнейшему повышению эффективности изобразительного и прикладного искусства», Указ № УП-712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 марта 2019 года Первая инициатива программы из «5 важных инициатив по повышению морального духа молодежи и содержательной организации их досуга» является еще одним шагом в направлении «Повышения интереса молодежи к музыке, изобразительному искусству, литературе, театру и другим видам искусства, что служит реализации ее таланта» а также ряду других касающихся этой деятельности нормативно-правовых актов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с основным направлением развития науки и технологий республики. I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. С общими аспектами проблемы дифференцированного образования и индивидуального подхода занимались Р.Хасанов, Х.Ибрагимов, О.К.Толипов, К.Б.Кодиров, Г.Сафоева, В.И.Андриянова, М.Салаева, М.Зайнитдинова, Ш.Мустафоев, Н.Саидахмедов, Б.Н.Орипов, О.Худоёров, Р.Каримов.

В нашей стране по применению принципов дифференцированного обучения на уроках изобразительного искусства из художников-педагогов были реализованы У.Тансиқбаевым, И.Икромовым, Ч.Ахмаровым, А.Абдуллаевым, М.Набиевым, Р.Хасановым, Б.Азимовым, Б.Ориповым, О.Нуртоевым, С.Абдирасиловым, С.Булатовым, Г.Абдурахмановым, Б.Бойметовым, К.Касимовым, Н.Толиповым, Н.Слугиной, О.Худоёровой, Х.Эгамовым, А.Сулаймоновым, А.Мавлоновым и др.

Теоретическими вопросами индивидуального подхода занимались учёные таких как А.Макаренко В.Сухомлинский, К.Ушинский В.Гладких, Э.Рабунский И.Бутузов Е.Климов Б.Теплов Н.Лейтес, Э.Климов, Б.Мерлинс.

В странах, таких как США, Франция, Германия, Англия, Япония, Южная Корея, Россия и Эстония, накоплен большой положительный опыт индивидуального подхода в образовании. Рассмотрение теоретических основ индивидуального образования специалистами как особой проблемы восходит к началу двадцатого века. К решению вопросов о дифференцированном образовании и индивидуальном подходе в образовании внесли свой вклад такие педагоги как Р.Дотренс, Л.Легран из Франции, К.Вашбурн, Н.Лейтес, Б.Блум Р.Гейн из Соединенных Штатов Америки, А.Келли, Д.Гриффин из Англии, Т.Коханский, М.Фишер из Германии, С.Вагнер из Австрии, И.Бутузов, С.Рубинштейн, Г.Абрамова из России, И.Унт из Эстонии.

Связь исследований диссертации с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения высшего образования, где выполнена диссертация. Диссертационное

исследование выполнено в рамках исследовательских проектов Гулистанского государственного университета «Дидактические параметры и стратегия модернизации содержания общего среднего образования» (2015-2017 гг.) и «Дидактические возможности повышения качества и эффективности изобразительного искусства» П-3-2014-0829151412.

Целью исследования является совершенствование научно-методической базы индивидуального подхода к ученикам на уроках изобразительного искусства.

Задачи исследования:

анализ философских, педагогических и психологических возможностей индивидуального подхода к ученикам на уроках изобразительного искусства;

совершенствование механизмов повышения эффективности индивидуальной работы с учениками на уроках изобразительного искусства;

создать у учеников состояние «ситуацию успеха» на уроках изобразительного искусства посредством индивидуального подхода и определить его важность в развитии навыков и интересов в области изобразительного искусства;

разработать научно-практические рекомендации по совершенствованию содержания и формы, средств и методов обучения, которыми ученики должны овладеть в области изобразительного искусства, для повышения их эффективности.

